

Аёллар тадбиркорлиги бўйича молиявий кодекс мажбуриятномаси
(WE Finance Code Commitment)

“**Hamkorbank**” АТБ Аёллар тадбиркорлиги бўйича молиявий кодексни қўллаб-қувватлайди ва ҳамкорлар ҳамда бошқа манфаатдор томонлар билан биргаликда аёл-тадбиркорларни молиялаштиришда чекловлар ва муаммоларни бартараф этишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни амалга ошириш ва маълумотларни шакллантиришни таъминлаш учун ҳамкорлик қилади, жумладан:

1. Кодексни қўллаб-қувватлаш бўйича ташкилий ташаббусларни амалга оширилишини таъминлаш учун қуйидаги раҳбарни масъул этиб тайинлайди: **Шамсиддинов Саиджон Шамсиддинович – “Hamkorbank” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари.**
2. Аёл-тадбиркорларни молиялаштириш даражасининг қуйидаги келишилган кўрсаткичлари бўйича статистикани юритади:
 - Жами банк мижозларидан аёл-тадбиркорлар улуши ва сони;
 - Жами ажратилган кредитлар миқдоридан аёл-тадбиркорларга ажратилган кредитлар улуши;
 - Аёл-тадбиркорлар томонидан кредит олиш учун келиб тушган аризалар сони, ажратилган кредитлар сони ва миқдори;
 - Аёл-тадбиркорларга ажратилган муаммоли кредитлар улуши (NPL);
 - Миллий мувофиқлаштирувчи ташкилот ва ишчи гуруҳ томонидан белгиланган кўрсатмалар асосида бошқа статистик маълумотлар
3. Аёл-тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар жорий этади ва кенгайтиради:
 - 3.1 **Маълумотлар базаси:**
 - Кўрсаткичлар ва эришилган натижалар юзасидан маълумотларни миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотга тақдим этиш;
 - Аёл-тадбиркорларнинг депозитлари сони ва ҳажми бўйича гендер тавсифланган статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш.
 - 3.2 **Гендерга йўналтирилган сиёсат:**
 - Банкнинг гендер тенглиги тўғрисидаги **низомини ишлаб чиқиш** ва тасдиқлаш. Низомда банк фаолиятининг барча даражасида гендер сезувчан ёндашувни жорий этиш механизмлари ишлаб чиқиш;
 - Банк филиалларида аёл мижозларга хизмат кўрсатишда **аёл менежерлар сонини** йил якунига қадар босқичма-босқич **50 нафарга етказиш** орқали янада ишончли ва қулай муҳит яратиш;
 - Банкнинг аёл тадбиркорларига мўлжалланган кредит маҳсулотларини самарали тарғиб қилган ва кредит линияларини ўзлаштирилишига фаоллик кўрсатган кредит менежерлари учун **“Энг кўп аёл тадбиркорлик субъектларига кредит ажратган**

менежер” номинациясини жорий этиш, мукофот суммаси тайинлаш (БХМнинг 10 баробари миқдорида) ҳамда чет элга саёҳатга йўлланма бериш;

- Йил охирига қадар “Аёллар ва молиявий инклюзия” каби гендер мавзулар бўйича **1 000 нафар** банк ходимлари иштирокида камида **2 та** семинар-тренинг ўтказиш.

3.3 Молиявий хизматлар:

- “Women in Business” лойиҳаси доирасида ЕТТБ томонидан 5 млн. доллар миқдорида ажратилган маблағлар ҳисобига, 51% улуши аёлларга тегишли бўлган ёки раҳбари аёл бўлган тадбиркорлик субъектларига банкнинг амалдаги фойиз ставкасидан 1% паст ва 3 ой имтиёзли давр билан **кредитлар ажратиш**;

3.4 Номолиявий хизматлар:

- Йил охирига қадар молиявий саводхонликни ошириш мақсадида **200 нафар** аёл тадбиркор иштирокида камида **2 та** амалий тренинг ташкил этиш;
- Йил давомида камида 2 нафар муваффақиятли тадбиркор аёл мижоз ҳақида **ҳужжатли лавҳалар, мақола ёки интервьюлар тайёрлаб**, банк расмий сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиш.

“Hamkorbank” АТБ ушбу мажбуриятлар ва кўрсаткичлар бўйича имтиёзли давр тугагандан сўнг, миллий мувофиқлаштирувчи ташкилотга мунтазам равишда ҳисобот беради. “Hamkorbank” АТБ акциядорлик тижорат банки Кодекс доирасида қабул қилинган мажбуриятлари тўғрисида жамоатчиликка эълон қилади. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга доир гендер бўйича ички сиёсати, молиявий ва номолиявий хизматлар юзасидан ахборот бериб боради.

Hamkorbank АТБ

Бошқарув раиси ўринбосари

Саиджон Шамсиддинов

Obligation under The Women Entrepreneurs Finance Code (WE Finance Code Commitment)

JSCB "HAMKORBANK" supports the Women Entrepreneurs Finance Code and collaborates with partners and other stakeholders to implement measures and ensure the formation of data that will help eliminate the limitations and financing gaps for women entrepreneurs, including:

1. To ensure the implementation of organizational initiatives in support of the Code, appoints the following leader as responsible: **Shamsiddinov Saidjon Shamsiddinovich – Deputy Chairman of the Board of Hamkorbank JSCB.**
2. Track the following agreed indicators on the level of financing for women entrepreneurs:
 - The share and number of female entrepreneurs among all bank clients;
 - Share of loans allocated to women entrepreneurs out of the total amount of loans allocated;
 - Number of applications received for loans from women entrepreneurs and the number and amount of loans allocated;
 - Share of non-performing loans (NPL) allocated to women entrepreneurs;
 - Other statistics based on the guidelines set by the National Coordinating Organization and the Working Group.
3. Introduce and expand measures to support women entrepreneurs:
 - 3.1 **Database:**
 - Providing data on indicators and results to the national coordinating organization;
 - Introduction of a system for collecting and analyzing gender-disaggregated statistical data on the number and volume of deposits of women entrepreneurs.
 - 3.2 **Gender-focused policy:**
 - **Development and approval of the bank's regulation** on gender equality. Development of mechanisms for introducing a gender-sensitive approach at all levels of bank activity in the regulation;
 - Creating a more reliable and comfortable environment for serving female clients in bank branches by gradually **increasing the number of female managers to 50** by the end of the year;
 - **Introducing the nomination "Manager with the Most Loans to Women Entrepreneurs"** for loan managers who have effectively promoted the bank's loan products for women entrepreneurs and have been active in the development of credit lines, assigning a reward amount (10 times the base count amount) and providing a trip abroad;

- **Conducting** at least **2 training** seminars on gender topics such as "Women and Financial Inclusion" with the participation of **1,000 bank employees** by the end of the year.

3.3 Financial Services:

- Within the framework of the "Women in Business" project, the EBRD allocated \$5 million to **provide loans** to businesses 51% owned by women or leaded by women at a rate of 1% lower than the bank's current interest rate and with a grace period of 3 months.

3.4 Non-Financial Services:

- **Organizing** at least **2 practical trainings** with the participation of **200 female entrepreneurs** by the end of the year to increase financial literacy;
- **Preparing documentary films, articles or interviews** about at least 2 successful female entrepreneurs per year and publishing them on the bank's official website and social networks.

JSCB "HAMKORBANK" regularly reports to the national coordinating organization after the end of the privileged period on these obligations and indicators. **JSCB "HAMKORBANK"** announces to the public about its obligations under the Code. It also provides information on internal gender policies, financial and non-financial services to support women's entrepreneurship.

Shamsiddinov Saidjon Shamsiddinovich
JSCB "HAMKORBANK"

